

Электрон ҳисобварақ-фактуралар айланиш тизими оператори бўлиш истагида бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 8-бандига мувофиқ қуйидаги хужжатлар эга бўлишлари лозим.

1. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш юзасидан лицензияга эга эканлиги. Ушбу лицензия “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш” вазирлиги томонидан берилади.
 - Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур-Шох кўчаси, 4-уй;
 - Мўлжал: Сквердаги Курант рўпарасида;
 - Телефон рақами: 71-238-41-39, 71-238-41-85, 71-238-41-69.
2. Дастурий-аппарат мажмуаларини мувофиқлиги юзасидан бўйича сертификатга эга эканлиги. Мувофиқлик сертификатни “Кибер ҳимоялаш маркази” ДУК томонидан берилади.
 - Манзил: Тошкент шаҳри, Қирқ-Қиз кўчаси, 10а-уй;
 - Мўлжал: Бунёдкор стадиони орқасида;
 - Телефон рақами: 71-203-00-28, 71-203-55-11.
3. Операторнинг ЭҲФларни сақлаш учун ўрнатилган аппарат воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган TAS-IX тизимида IP манзил кўрсатган ҳолда, кўчмас мулк жойининг эгалик хужжатлари ёки ижара шартномаси нусхалари (бино, иншоот, хона).
4. Эгалик ёки ижара ҳуқуқи асосида “call-марказ” мавжудлиги тасдиқловчи маълумот.
5. ЭҲФларни шакллантириш, юбориш, қабул қилиш ва сақлаш имкониятини берадиган ахборот тизими.
6. Ахборот технологиялари, молия, солиқ ёки бухгалтерия соҳаларида олий маълумот ва камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган камида бир нафар мутахассисга ҳамда мутахассиснинг ишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи хужжат (буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхалари ва бошқалар).
7. Оператор томонидан ЭҲФларга хизмат кўрсатувчи дастурий-аппарат мажмуасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шунингдек, иштирокчилар учун доимий фойдаланиш имкониятини яратиш мажбуриятларини бажариш бўйича кафолат хати.

Маълумотларни ошкор қилмаслик бўйича имзоланган келишув асосида оператор ўзининг маълумотлар базасида тасдиқланган ЭҲФлар камида 5 йил давомида сақланишини ва иштирокчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши ҳамда ЭҲФлар конфиденциаллигини таъминлаши шарт.